

2022\_ йил «05\_» январь \_

Фуркат туман

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи (кейинги ўринларда "Зиё файзи " МChJ («Таъминотчи» деб аталади) номидан раҳбари Х.Турсунова биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Фуркат тумани МТБ\_ номидан (келгусида «Истемолчи» деб аталади) раҳбари Д.Қодирова ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

### 1.Шартнома предмети

- 1.1.«Сотувчи» «Харидор»га куйидаги товарларни етказиб беради: сарғ 82.5%
- 1.2.Мазкур шартноманинг умумий қиймати 8140000 сўм, (саккиз миллион бир юз қирк минг )*(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади)* сўмни ташкил қилади.
- 1.3. Махсулотлар 2022 йил январь ойига куйидаги асортиментда етказиб берилади:

Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
Сарғ 82.5%	кг	220	37000	8140000
<b>Жами:</b>				<b>8140000</b>

Изох: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда асортимент бўйича олинаётган махсулот турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига ўзгариш киритилади.

### 2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1 Олинган махсулотлар учун махсулот спецификациясида белгиланган нархда тўлов жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.
- 2.2 «Истемолчи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади ҳамда тулик ҳисоб-китобни махсулот олингандан сўнг, с/фактураларга асосан пул ўтказиш йули билан амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдорида олдиндан тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.
- 2.3 Махсулотлар учун нарх махсулот етказиб беришга даъвогар бўлган корхоналарнинг тижорат таклифларидан ҳамда ҳудуддаги ўртача бозор нархлари асосида ва тақдим этилаётган махсулотларни сифатини эътиборга олиб ўзаро танлов асосида белгиланади. Махсулотлар учун нарх бозор нархларидан ошмаган ҳолда сифат даражасига қараб етказиб берувчи ва истемолчи ўртасида ўзаро келишилиб белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган махсулотларга белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарқ «Таъминотчи» зиммасидан қопланади.

### 3. Махсулот етказиб бериш:

- 3.1«Таъминотчи» шартномада белгиланган махсулотларни келишилган тақсимоотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни январь ойида етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

### 4. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 4.1 «Таъминотчи» махсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати) ҳамда махсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги махсулотни жойларга етказиб берилишига қафолат беради ва ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 4.2. «Таъминотчи» «Истемолчи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатган вакилга махсулот беради. . Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»нинг ишонч қозғида қўрсатилмаган махсулотларни ёки махсулотларни ишонч қоғозида белгиланган микдоридан ортиқ берган ҳолларда бу махсулотлар учун «Харидор» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотларлар етказиб берилса бу махсулотлар «Таъминотчи»га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланмайди.
- 4.3 «Таъминотчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.
- 4.4. «Истемолчи» «Таъминотчи» томонидан юборилган махсулотни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган махсулот учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 5. Томонлар жавобгарлиги

5.1 Агар «Таъминотчи» томонидан ««Истемолчи»»га сифатсиз, ёки сақлаш муддати ўтиб кетган махсулотларни етказиб берган ҳолда ««Истемолчи» «Таъминотчи»дан бундай махсулотларнинг умумий қийматидан 20% жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Таъминотчи» томонидан «Истемолчи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатда етказиб берилмаса, «Таъминотчи» муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган махсулот қийматининг 0.5% миқдорда лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда ««Истемолчи»га пеня тўлайди.

5.3 Агар ««Истемолчи»» «Таъминотчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тўлаб бермаса, муддати ўтган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.4 Жарималар тўланиши «Таъминотчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

## 6. <Форе-мажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1 Шартноманинг амал қилиш муддати 05.01. 2022 йилдан 31.01. 2022 йилгача .Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.2 Шартнома қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро езма келишувига асосан; б) «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотни сифатсизлиги тўғрисида «Истемолчи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли ҳулоса олинганда; в) «Таъминотчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда; г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Таъминотчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда; д) нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қупайиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда; Изох: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Истемолчи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Истемолчи» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирилган ҳолда хат билан маълум қилади.

## 8. Қўшимча шартлар

- 8.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро хал қилинади. Ўзаро хал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан иқтисодий судлари орқали хал қилинади.
- 8.2 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган ҳужжатлардан (лицензия, гувоҳнома, сертификат) «Истемолчи»га тақдим этади.
- 8.3 Шартномани бажарилиши учун таълуқли ҳужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу ҳужжатларни тақдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.
- 8.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.
- 8.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиқланиб *тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг* амалга киритилади.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Истемолчи»

«Таъминотчи»

"Зиё файзи" МChJ

Фуркат МТБ

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фуркат тумани  
Тел./факс 99891 1500413

Манзил: Фуркат туман Кичик-янги к-ги  
Тел./факс  
ш/хр 400 22860302387091100251052  
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 305153794  
ОКОНХ 92400

х/в 20208000700894446001

Банк номи: "Қишлоқ қурилиш банк Қўқон" ф

МФО: 00630 СТИР: 305354513

Ғазначилик бўлинмаси номи: Фуркат тумани  
Ғазначилик бўлинмаси  
ЯҒХ: 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Марказий Банкнинг  
Тошкент шаҳар Бош бошқармаси  
Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО: 00014  
Ғазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919



Раҳбар

(имзо)

Х.Турсунова  
(Ф.И.Ш)



Раҳбар

(имзо)

Д Қодирова

(Ф.И.Ш)



## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HYJJATLARNING QONUN HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**10.01.2022 yil**

**Furqat tumani**

- 1. Loyihaning turi:** Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi:** Furqat tumani maktabgacha ta'lim bo'limi va "Ziyo fayzi" MChJ o'rtasida oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash to'g'risidagi № 8-sonli shartnoma
- 3. Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi 2022-yil 05-yanvar kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 08-yanvar kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Furqat tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish bosh yuriskonsulti**



**M.M.Axmedov**